

**Мавзу: Мөхнат жараёни  
шароитини шаклантирувчи  
омиллар**

## **Режа:**

- 1. Мехнат шароитига таъсир қилувчи омилларнинг синфланиши.**
- 2. Хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг гуруҳланиши.**

## Меҳнат шароитларини шакллантирувчи омиллар



Ишлаб чиқаришда меҳнат шароитларини шакллантиришда бир қатор омилларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Барча ишлаб чиқариш омилларини амалда қуидагича гуруҳларга бўлиш мумкин: **ташкилий, техник, санитар-гигиеник, эргономик, ижтимоий, психофизиологик, табиий-иқлимий ва иқтисодий.**

И  
к  
т  
и  
с  
о  
д  
и  
й

Р  
у  
х  
и  
й

Энергетик

Ижтимоий



Метеорологик

Ишлаб чиқариш

Б  
о  
ш  
к  
а

М  
а  
ль  
н  
а  
в  
и  
й



# Ишлаб чиқаришда меҳнат шароитларига таъсир қилувчи омиллар

Ташкилий омиллар

Меҳнат фаолиятини тўғри ташкил этилганлиги, иш, дам олиш вақти ва таътилларнинг меҳнат даврига мослиги, меҳнат хавфсизлигига ўқитиш ва назорат тизимининг мавжудлиги.

Техник омиллар

Иш жараёнини автоматлаштирилганлиги, техника хавфсизлиги талабларига жавоб бериши, хавфли зоналарнинг тўсилганлиги, қурилмаларнинг ишчи ҳолати ва созлиги.

Санитар-гигиеник омиллар

Иш ўринлариданинг санитар меъёрларга мослиги, ёритилганликнинг, титраш ва шовқин даражаси меъёрларга мос бўлиши, заарли ва хавфли омиллардан ҳимояланганлиги.

## Ишлаб чиқаришда меҳнат шароитларига таъсир қилиувчи омиллар

Социал-маиший  
омиллар

Дам олиш, ювениш, жойлари, тиббиёт пункти мавжудлиги, маданий тадбирлар ўтказилиши, ходимларни ижтимоий қўллаб қувватлаш йўналишларининг мажудлиги

Табий-иқлимий  
омиллар

Корхона жойлашган ҳудуднинг географик ўрни ва метеорологик кўрсаткичлари, уларнинг меъёрларга мослиги.

Психофизиологик  
омиллар

Меҳнатнинг оғирлиги ва жадаллиги, монотонлиги, жамоадаги руҳий ҳолат ўз ишидан қониқиши ҳосил бўлмаслиги, иш берувчи билан билан ўзаро муносабатларнинг ҳолати.

**Эргономик омиллар**

**Машина ва механизмлар ва инсоннинг антропометрик мос келиши. иш жойларини ташкил этиш даражаси, бошқариш органларининг кулагай жойлашганлиги.**

**Иқтисодий омиллар**

**Меҳнатга ҳақ тўлаш ва ишчи меҳнатини рағбатлантириш даражаси, меҳнат муҳофазасига ажратилган маблағнинг бошқа мақсадларга сарфланиши, меҳнат муҳофазасига доир чора-тадбирларга маблағ ажратилганлиги.**

## **Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг гурухланиши.**

- ГОСТ 12.0.003-74 (1978) га асосан хавфли ва зарарли омиллар ўз таъсирига қараб куйидагиларга бўлинади:
- физик,
- кимёвий,
- биологик,
- психофизиологик.

## "Муаммоли вазият" жадвалини тўлдириш

Муаммолар тури	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиши сабаблари	Вазиятдан чиқиб кетиш тадбирлари
<b>1-муаммо:</b> <i>Ишлаб чиқариш корхонасида кичик кўнгилсизликларнинг тез-тез содир бўлиши</i>		
<b>2-муаммо:</b> <i>Техникаларни таъмирлаш ўзинчидан токарнинг жароҳатланиши</i>		
<b>3-муаммо:</b> <i>Ииши-ходимларнинг ўз иши (касби) дан қониқмаслиги</i>		
<b>4-муаммо:</b> <i>Корхона раҳбар-ходимларни ўртасида зиддиятларнинг келиб чиқиши</i>		

# Назорат саволлари

- Мехнат шароитларини шакллантирувчи ташкилий омиллар нималардан иборат?
- Техник омиллар нималардан иборат?
- Санитар – гигиеник омиллар нималардан иборат?
- Эргономик омиллар нималардан иборат?
- Ижтимоий – майший омиллар нималардан иборат?
- Психофизиологик омиллар нималардан иборат?
- Табиий-иқлиний омиллар нималардан иборат?
- Иқтисодий омиллар нималардан иборат?
- Хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омиллари қанақа гурӯхланади.